

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНГАН ЎҚУВ-СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Республикамизда “Инсон қадри учун” тамойилини амалда татбиқ этиш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, болалар нафақаси ва кўп болали, кам таъминланган оилаларга давлат томонидан бериладиган пул маблағларини мақсадли йўналтириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу ислоҳотлар фуқаролар манфаатини ҳимоялашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бугун туман маданият маркази мажлислар залида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 31-октябрдаги №02/1-1162-сон топшириқ хати асосида ташкил этилган ишчи гурӯҳи аъзолари иштирокида ўқув семинар бўлиб ўтди.

Семинарда тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандларига бериладиган болалар нафақаси ва моддий ёрдам пуллари юзасидан аҳоли муаммоларини маҳаллабай ҳал этиш, ушбу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шартшароитларни бартараф этиш орқали мурожаатлар сонини камайтириш бўйича келишиб олинди.

Семинарда сўз олган Сўх тумани ҳокимлиги вакиллари, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғи Абдушукур Турабоев, туман БТПЖ бўлими бошлиғи Сайдиали Темирилиевлар сўзга чиқиб, йиғилганларга семинарни такшキл этишдан асосий мақсад нималардан иборатлигини тушунтиришди. Охирги пайтларда сайёр қабулларда ва фуқаролар мурожаатида ушбу масала кўпайиб бораётганлиги, фуқароларга бу бўйича аниқ маълумотлар етказишида маҳалла тизимида барча мутасаддилар масъул эканлиги қайд этилид.

Семинарда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, “Ишчи гурӯҳ” таркибидаги ташкилот масъуллари иштирок этди. Масала юзасидан тадбир иштирокчилари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этдилар ва ушбу йўналишда ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#) | [Telegram](#) | [Telegram murojaat](#) | [Youtube](#) | [Instagram](#)

2022-11-10 18:00:42